



ВИЛОЯТ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЎЛИМИНИНГ РЎЙХАТ АСОСИДА СОТИБ  
ОЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН КИТОБЛАРНИНГ

## **ТЕНДЕР ҲУЖЖАТИ**

2022 йил

БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Вилоят Маънавият ва маъирфат бўлими

**Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими  
ТЕНДЕР ЭЪЛОН КИЛАДИ**

---

**Объект номи:** Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими .  
**Объектнинг бошланғич нархи (КҚС билан) –** 100 000 000 сўм.  
**Ишларни тугаллаш муддати –** кун.


**Буюртмачи:** Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими  
**Жойлашган манзили-**Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 4А-уй,  
 телефон----

**Молиялаштириш манбаси:** Махаллий бюджети

Тендер иштирокчилари кўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Таасиқланган тендер хужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи тендер хужжатларини маҳсус ахборот порталида эълон килинган кундан бошлаб, кабул қилишни охирги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) маҳсус порталига электрон тарзда юклangan таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Вилоят Маънавият ва  
маърифат бўлими раҳбари:



A.Мукимов

**ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН  
ТАКЛИФНОМА**

**Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими** тендерда иштирок этишга иштирокчиларни тақлиф этамиз ва қуидаги обьект бўйича Тендер тақлифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: "**вилоят Маънавият ва маърифат бўлими"** обьектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **100 000 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **50 кун.**

Буюртмачи: Навоий вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси

Лойихани молиялаштириш манбаси: **Махаллий бюджети**

Тендерда тақлиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши;

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, тендер предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойихалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий холати:

Тендер предметига ўхшаш обьектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Қуидаги Тендер иштирокчилари Гендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Тендер тақлифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар ва кўрсатмалар тендер иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Гендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер тақлифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиха хужжатлари хусусан ишчи лойихани ишлаб чиқиш топширигини тқдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қишишга хақли.

Тақлифларни топшириш Гендер иштирокчисининг Гендер хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

**БУЮРТМАЧИ РАҲБАРИ:**

А.Муқимов

## ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - Тендер ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган обьект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Тендер ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган обьект бўйича Тендер ўтказилишини эълон қиласи.

1.2. Тендернинг тури – очик Тендер, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Тендер хужжатларининг тижорат кисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишилари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Курилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Тендер хужжатлари элекtron тарзда берилган хужжатлар аосида ишлаб чиқилади. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хулосасини ўз хисобидан олиб беришини хисобга олиши лозим.

### II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-хукукий хужжатларнинг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат кисмларидан иборат.

2.2. Умумий кисм Тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар кўшилган холда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл.** Тендер иштирокчиси хақида умумий маълумотлар.

**2-шакл.** Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**3-шакл.** Тендер иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Тендер предметига ўхшаш обьектларда етарли иш тажрибаси.

**5-шакл.** Тендер иштирокчисининг ишларни бажаришда офис оргтехникасининг рўйхати.

**6-шакл.** Тендер иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) обьектлари.

**7-шакл.** Курилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. техник кисм:

- ишчи лойихани ишлаб чиқиши топшириғи

Изоҳ: лойиханинг хусусиятига қараб техниковий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа хуёзсизлар хам киритилиши мумкин.

- Молиялаштириши манбаси, шартлари хамда шартнома лойихасидан иборат.

### III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиха ишлари бўйича Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Тендер иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Тендер иштирокчиси Тендерда иштирок этиш учун Тендер ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўрикноманинг VII-боби талабларига биноан Тендер таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Тендер иштирокчиси ўзининг Тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Тендер комиссияси Тендер натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Тендер иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар (таклифлар) Тендер хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берини керак.

#### **IV. ТЕНДЕР ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ**

4.1. Буюртмачи Тендерда иштирок этиш учун таклифлар берини муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Тендер хужжатларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида карор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартеришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Тендерда таклифлар берини тугайдиган муддат Тендер хужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Тендер иштирокчиси ёзма равишида Тендер ташкилотчисига Тендер хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Тендер иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда килинган йўрикномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

#### **V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Тендер иштирокчилари Тендер ва лойиха олди хужжатларини ўрганиб чиқишлири керак, Тендер иштирокчилари Тендер предметининг лойиха олди хужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган хужжатлар оркали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиха олди хужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни Тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топширикларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишилари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўклигига далолат ҳисобланади.

#### **VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Тендерга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, Тендер иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси томонидан тайёрланган Тендер таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Тендер иштирокчиси Тендер таклифини мазкур Тендер хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Тендер хужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Тендер иштирокчиси Тендер таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Тендер иштирокчиси ўз Тендер таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## **VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**

7.1. Тендер таклифлари, электрон нусхада ва тендер хужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

### **7.2. Топширилиши лозим бўлган хужжатлар таркиби:**

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Тендер иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустакил кўрсатилади.

7.2.3. Тендер иштирокчиси охирги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий холати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова килиниши мумкин.

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Тендер предметига ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Тендер иштирокчиси Тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Тендер иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда Тендер иштирокчиси лойиха-смета ишларини бажариш даврида ҳакиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.(6-шакл)

7.2.9. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.(7-шакл)

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки руҳсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа хужжатлари (айрим ҳолларда), руҳсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва руҳсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.12. Юкорида сўралган шакллар ва хужжатларга Тендер иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Тендерда катнашиш буюртмаси таъминотини қуидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Тендер голибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Тендер голиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайtариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайtарилади.

7.5. Тендерда иштирок этишга буюртма таъминоти қуидаги ҳолатларда қайtарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайtариб олган оферентга;

7.5.2. Тендер голиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклиfinи қайtариб олганда ёки Тендер хужжатларида белгилangan талабларда шартнома тушибдан бош тортганда.

7.7. Дастраси малака Тендери орқали Тендер ўтказилганда биринчи йиғма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд хужжатлари эса Тендер таклифи деб хисобланади.

### **VIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ НАРХИ**

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар кайси ўрин бўйича бўш жойлар Тендер иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Тендер иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниклашда оралик суммалар жамланади. Тендер иштирокчилар ишларни Тендерда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа ҳаражатлар ва қўшимча қиймат солиги (ҚҚС)ни хисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Тендер иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳолангандан рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгилангандан нарх қабул қилинади.

8.5. Тендерда белгилангандан ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, конунчилик билан белгилангандан ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

### **IX. ТЕНДЕР ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Тендер таклифининг амал қилиш даври хужжатлар топширилгандан сўнг 12 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

### **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Тендер иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча хужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг хужжатлари, барча шакиллари электрон вариантада ҳар бир бети Тендер иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзолангандан Тендер иштирокчисининг мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Тендер иштирокчилари га хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Тендер таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Тендер ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Тендер иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Тендер комиссияси ҳар кандай ўзгартиришлар, четга чиқишлиар ёки мукобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида саклаб қолади. Тендер хужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлиар, мукобил таклифлар ва бошқа омиллар Тендер таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

### **XI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Тендер иштирокчиси Тендер таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишига йўл қўйилмайди.

## **XII. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

12.1. Тендер таклифлари қабул қилиш муддати тугангандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чикилади.

## **XIII. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

13.1. Тендер иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи хужжатлар ўрганилади.

13.2. Тендер иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш вараги куйидаги шаклда тўлдирилади:

## **XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

14.1. Тендер таклифларини техник қисми тендер комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аникланади.

14.2. Агар Тендер комиссияси томонидан тақлиф хужжатларининг бирортасини Тендер хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аникланган тақдирда Тендер иштирокчисининг тақлифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Тендердан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий тақлифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

## **XV. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

15. Тендер ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аникланади ва тендер баёни электрон шакилланади.

## **XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ**

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, тақлифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан катъий назар қўшилган қиймат солигини хисобга олган ҳолда, Тендер хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг хеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгаришилар киритишга ва бошқа шартларни тақлиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга каранг).

16.3. Агар Тендер ғолиби мазкур Тендер хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Тендер комиссияси билан биргаликда, тақлифи иккинчи ўринни олган Тендер иштирокчисини Тендер ғолиби деб топиши ёки тақрорий Тендер ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Тендер хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош торган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

## XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Тендерни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;

- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Тендер комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф Тендер хужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- Тендер иштирокчилари таклиф этган нархлар Тендер предметининг бошлангич кийматидан ошиқ бўлса;

- Тендер комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Тендер ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Тендерни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Тендернинг бирон-бир иштирокчиси (Тендер комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Тендер иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар Тендер бўлиб ўтмаган деб топилса, такорий Тендер ўтказилади. Бунда Тендер хужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТЕНДЕР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Тендер предмети бўйича ва Тендер хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изохлар
1.	Буюртмачи:	<b>Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими</b>
2.	Объект номи:	Рўйхат асосида китобларни сотиб олиш учун объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш.
3.	Тендер тури:	<i>Ochiq tender</i>
4.	Тендер хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Тендерда иштирок этишини таъминлаш кафолати миқдори:	Тендерда иштирок этишини таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг махсус хисоб ракамига ўтказилади. Тендер буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори _____ сўм (объектни лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш бошлангич кийматининг 1 фоизи миқдорида)
7.	Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz</i> махсус ахборот портали
8.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<i>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Махаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари</i> <i>Тендерда лойиҳа ташкилотлари консорциумлар, қўйима (ушибу таплов предмети учун махсус бирлашган)</i>

		корхоналар кўринишида иштирок этишига ва тијорат таклифларини тақдим этишларига рухсат берилади.
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	<p>Танлов предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май «Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредатция қилиш тўғрисида»ги 381-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт.</p> <p>Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш лицензия талаб этилади, жумладан, 3-тоифадаги:</p> <p>Уй-жой-хўжалик қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Саноат қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқларива тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Сув хўжалиги қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш;</p> <p>Топогеодезик ва геология ишларини олиб бориш учун лицензия.</p>
10.	Тендер таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Etender.uzex.uz</i> маҳсус ахборот порталида белгиланади.
11.	Тендер ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили
12.	Тендер таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври тендер таклифлари очилган кундан эътиборан узоги билан 10 иш кунни ташкил этади
13.	Буюртмачининг обьект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан 100 000 000 сўм Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархига нисбатан 80 % дан кам берилган таклифлар рад этилади.
14.	Буюртмачи томонидан белгиланган лойиҳа ишлаб чиқиш муддати	<u>10 кун</u>
15.	Молиялаштириш манбаси:	Республика бюджети(сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривоҷлантириши жамгармаси)
16.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - Танлов натижаларига кўра жорий йил учун

		аниқланган ишларнинг қиймати 15 фоизи микдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини хисобга олган ҳолда, ИХ экспертизага топширилгандан сўнг бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи микдоригача; қолган 30 фоизи – ИХ лойиха Буюртмачига топширилгандан сўнг (муаллифлик назоратидан ташқари)
17.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
18.	Шартнома валютаси:	сўм.
19.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва боиқа мајсбурий тўловлар йўқлиги тўгерисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, шига қабул қилинганилиги тўгерисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувоҳнома нусхаси</i>
20	Иштирокчиларнинг техник кисмдан ўтиш бали	60 бал ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар